

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА ГУЛСАРА СОДИКОВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОНОМАСТИК
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ-ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on
philological sciences**

Қурбонова Гулсара Содиқовна

Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли
фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари 3

Қурбонова Гулсара Содиқовна

Национально-лингвистические особенности фразеологизмов с
ономастическими компонентами на французском и узбекском
языках 23

Kurbonova Gulsara Sodikovna

National and linguistic features of phraseological units with onomastic
components in the French and Uzbek languages 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА ГУЛСАРА СОДИКОВНА

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОНОМАСТИК
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ-ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2017.1.PhD/Fil67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшанкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулмаматов Дустмамат Сатторович
филология фанлари доктори, профессор

Носиров Абдурахим Абдимуталипович
филология фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Бухоро Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; (99871) 246-53-21; e-mail: наука@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Бош ўқув биноси (1-қават, 108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4- уй. Тел.: (99871) 227-12-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

И.А.Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқларининг тили, тарихи, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналари ҳамда миллий-маданий ўзига хослигининг универсал ва дифференциал ҳолатларини фразеологизмлар асосида ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами борган сари кенгайиб бормоқда. Бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларда инсон ва тил, тил ва маданият масалаларини оламнинг лисоний манзараси доирасида қиёсий, чоғиштира, систем-структур парадигма асосида ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фразеологизмлар бошқа тил бирликларидан нутққа образлилик, экспрессивлик ва эмоционаллик бахш этиши билан алоҳида ажралиб туради. Фразеологик бирлик таркибидаги образлар тизими миллат дунёқарашининг шаклланишида унинг моддий, ижтимоий ёки маънавий маданияти билан боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам улар ўша миллатнинг миллий-маданий тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари ҳақида маълумот бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида тил инсон ва унинг тафаккури, дунёқарашини билан узвий алоқада ўрганилаётганлиги боис, фразеологизмларни антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ қилиш зарурати вужудга келмоқда. Тилдаги фразеологик материал асосида ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-стилистик ва миллий-лисоний хусусиятларининг назарий жиҳатлари шу кунгача француз ва ўзбек тили материаллари асосида чоғиштира тадқиқот объекти бўлмаган. Бир-биридан ижтимоий-маданий жиҳатдан фарқ қиладиган Ғарб ва Шарқ маданиятини ифодаловчи икки тилдаги фразеологизмларни тадқиқ этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар замонавий лингвистика соҳасида тил ва маданиятлараро мулоқот воситасининг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини ҳар томонлама янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш»¹нинг устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тил, хусусан, фразеология соҳасида ҳам чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятини яратди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 – «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 – «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722).

«Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фразеологиянинг фан сифатида шаклланиши француз тилшуноси Ш.Балли² номи билан боғлиқдир. Фразеологиянинг тилшуносликдаги муҳим илмий йўналишга айланишига француз тилшунослари П.Гиро, М.Ра, А.Рей³, рус олимлари В.В.Виноградов, В.Л.Архангельский, М.Т.Тагиев, Н.М.Шанский, А.В.Кунин, В.М.Мокиенко, И.И.Чернышева, А.Д.Райхштейн⁴, шунингдек, француз фразеологиясини тадқиқ этган тилшунослар В.Г.Гак, А.Г.Назарян, Г.Г.Соколова, И.Н.Тимескова, А.Э.Маматовлар⁵, Ўзбекистонлик тилшунослар Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Бердиёров, М.Умархўжаев, Л.И.Ройзензон, М.Содиқова, А.Э.Маматов, Б.Йўлдошев, А.Носировлар⁶ ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшган.

Фразеологиянинг лингвокультуралогик тадқиқоти йўналишининг ривожланишида хориж тилшуносларидан А.Вежбицкая, В.Н.Телия,

² Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416 с.

³ Guiraud P. Les locutions françaises. – P.: Larousse, 1962. – 232 p; Rat M., Dictionnaire des expressions et locutions traditionnelles. P.: Larousse – Bordas, 1999. – 446 p; Rey A. Le lexique: image et modèles. Du dictionnaire à la lexicologie. – P.: Larousse, 1979. – 400 p.

⁴ Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 340-364; Архангельский В.Л. О задачах, объектах и разделах русской фразеологии как лингвистической дисциплины // Проблемы устойчивости и вариантности фразеологических единиц. – Тула: 1972. – С.3; Тагиев М.Т. Глагольная фразеология современного русского языка. – Баку: Маариф, 1966. – 150 с; Шанский Н.М., Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1969. – 315 с; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка: – М.: Высшая школа, 1996. – 115-с; Мокиенко В.М. Противоречия фразеологии и ее динамика. Автореф. дисс.... докт.филол.наук. – Л.: Просвещение, 1976. – 79 с; Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. – М.: Высшая школа, 1970. – 199 с; Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. – М.: Высшая школа, 1980. – 143 с.

⁵Гак В.Г. Национально-культурная специфика меронимических фразеологизмов// Фразеология в контексте культуры. – М.: Языки русской культуры, 1999. – С.260-267; Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – М.:Высшая школа, 1987. – 288 с; Соколова Г.Г. Французская идиоматика XX века (Национально-культурный аспект) // Актуальные проблемы романистики. Язык. Общество. Культура. Изд-во Саратовского ун-та, 1999. – С.145-151; Тимескова И.Н. Крылатые слова, их значение и происхождение. – Л.:Просвещение, 1974. – 231 с; Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – С. 5-28.

⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966. – 131 б; Бердиёров Ҳ. Фразеологик лугатлар тузиш масаласига доир // Фразеология масалалари. – Самарқанд: 1961. – Б.10; Б.21-26; Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. – Т.: Фан, 1983. – С.21-24; Ройзензон Л.И. Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарқанд: 1975. – С. 8-70; Содиқова. М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар лугати. – Т.: Фан, 1993. – 259 б; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: Фан, 1991; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда таракқиёти. – СамДУ, 2013. – Б.116-120; Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол.фан.докт. (DSc) дисс...автореф. – Т.: 2016.

В.А. Маслова, Ю.С. Степанов, В.Г. Гак⁷ларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Замонавий тилшуносликда фразеологиянинг миллий-маданий муаммолари тадқиқига бағишланган ишлар амалга оширилиб келмоқда. Жумладан, фразеологизмларнинг қиёсий-типологик, чоғиштирма тадқиқи юзасидан рус тадқиқотчиларидан М.В.Осыка, В.А.Хохлова, В.В.Ловянникова, З.Б.Ўразметова, З.Р.Загирова⁸, ўзбек тадқиқотчиларидан М.Холиқова, Р.Х.Ширинова, Г.М.Адашуллоева⁹лар илмий изланишлар олиб боришган. В.В.Ловянникова ономастик компонентли фразеологизмларни лингвомаданий аспектда немис тили материали бўйича, уларнинг структур-семантик хусусиятлари ва рус тилига таржимаси каби масалаларни чоғиштириб таҳлил этган. М.В.Осыка топоним компонентли фразеологик бирликларни рус ва француз тилларида, В.А.Хохлова эса инглиз ва украин тилларида, З.Б.Ўразметова топоним компонентли фразеологик бирликларни инглиз ва француз тилларида, З.Р.Загирова антропоним компонентли фразеологик бирлик (ФБ)ларнинг лингвомаданий хусусиятларини инглиз, француз, рус, татар тилларида чоғиштирма таҳлил этган. Юқорида келтирилган ишлардан бизнинг тадқиқотимиз қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, агар М.В.Осыка топоним компонентли ФБларни рус ва француз тиллари мисолида, З.Б.Ўразметова инглиз ва француз тиллари материалида копцептологик нуқтаи назардан, З.Р.Загирова антропоним компонентли ФБларни инглиз, француз, рус ва татар тилларида лексик-семантик ҳамда функционал хусусиятларини қиёсий-чоғиштирма планда ўрганган бўлсалар, бизнинг ишимизда, биринчидан француз ва ўзбек тилларида антропоним ва топонимларнинг лингвомаданий хусусиятлари чоғиштирма таҳлил қилинган; иккинчидан чоғиштирилаётган тиллардаги антропоним ва топоним компонентли фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбалари таҳлил этилган; учинчидан француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли фразеологизмларнинг коннотативлик даражаси аниқланган, шунингдек мазкур бирликлар француз ва ўзбек халқларининг лисоний-маданий белгиларига кўра таснифланган.

⁷ Вежбицкая А., Понимание культур через посредство ключевых слов, М.: Языки славянской культуры, 2001. – С.16-28; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с; Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Высшая школа, 2001. – 208 с; Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 824 с; Гак В.Г. Эмоции и оценки в структуре высказывания // Вестник Московского университета. Сер.9. Филология. – 1997. – №3. – С.87-93.

⁸ Осыка М.В. Топонимические фразеологизмы в национальной концептосфере (на материале русской и французской лингвокультур). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Белгород: 2010. – 25 с; Хохлова В.А. Фразеологические единицы с топонимическим компонентом в английском и украинском языках: лингвокультурологический аспект. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Донецк: 2017. – 26 с; Ловянникова В.В. Ономастическая фразеология в лингвокультурологическом аспекте (на материале немецкого языка) Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нальчик: 2008. – 26 с; Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц (на материале английского и французского языков). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа: 2006. – 26 с; Загирова З.Б. Лексико-семантические и функциональные параметры антропонима в составе фразеологической единицы в английском языке: В сопоставлении с французским, русским и татарским. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа: 2003. – 26 с.

⁹ Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). Автореф.дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1999. – 26 с; Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол.фан.докт. (DSc) дисс...автореф. – Т.: 2017. – 56 б; Адашуллоева Г.М. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фан. фалсафа докт (PhD) дисс...автореф. – Самарқанд: 2018. – 20 б.

Ўзбек тилшунослигида М.К.Холиқованинг тадқиқотида илк бор фразеологизмларнинг миллий семантикаси, экстралингвистик омилларнинг фразеологизмлар семантикасига таъсири каби муаммолар рус ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари мисолида ўрганилганлигини, Г.М.Адашуллоеванинг тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмлар чоғиштириб тадқиқ этилганлигини кузатиш мумкин. Аммо француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг чоғиштира таҳлили ҳанузгача илмий назарий жиҳатдан амалга оширилмаган, шу сабабли чоғиштирилаётган тилларда умуман фразеология масаласи, хусусан, антропоним ва топоним компонентли фразеологик бирликларнинг бир қатор миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш лозим бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилаётган «Таржимашунослик ва тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологизмлар миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фразеологияга оид лингвомаданий аспектда олиб борилган назарий тадқиқотларни ўрганиш;

чоғиштирилаётган тилларда антропоним компонентли фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш манбаларини таҳлил этиш;

француз ва ўзбек тилларида антропоним компонентли фразеологик бирликларнинг мотивланганлигини аниқлаш ва фразеологизмлар таркибидаги доминант антропоним компонентларнинг миллий-маданий чоғиштира таҳлилин амалга ошириш;

чоғиштирилаётган тиллардаги топоним компонентли фразеологизмларни лисоний-маданий белгиларига кўра таснифлаш ҳамда уларнинг коннотативлик даражасини аниқлаш;

француз ва ўзбек тилларидаги ноодатий топоним компонентли фразеологик бирликларни чоғиштира таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли миллий-маданий фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли фразеологизмларнинг миллий-маданий, семантик ва стилистик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда чоғиштира, этимологик, компонент таҳлил, кросс-маданий ва стилистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш манбалари анъанавий исмлар билан,

миллат фольклори, халқ тарихи ва реал тарихий шахслар билан ҳамда бадий асар персонажлари билан боғлиқ фразеологизмлар асосида аниқланган;

турли оилага мансуб икки тил доирасида фразеологик бирликлар таркибидаги доминант антропоним компонентларнинг миллий-маданий хусусиятлари оламнинг фразеологик манзарасида шахснинг ижобий ва салбий қиёфасини шакллантириши исботланган;

икки тилга оид фразеологик бирликлар таркибидаги топонимлар ижобий – автостереотип, салбий – гетеростереотип тушунчаларига эга эканлиги далилланган;

француз ва ўзбек тилидаги ономастик компонентли фразеологизмларнинг фарқли томонлари эквивалентсиз сўздан ташкил топганлиги, ўхшашлиги эса образлилик натижасида юзага келиши орқали далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг чоғиштирма таҳлили француз ва ўзбек халқлари менталитетининг ўзига хослигини аниқлашга хизмат қилиши исботланди;

француз тилидаги баъзи ономастик фразеологизмларнинг этимологик таҳлили ўзбек тилида биринчи марта ёритилди;

француз ва ўзбек тилларида топоним компонентли фразеологик бирликларда «ўз қатлам» ва «ёт қатлам» тушунчалари таҳлил этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Мавзуга оид таҳлил материаллари қардош бўлмаган икки тил табиатидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Француз ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларни ўрганиш, француз тилидаги фразеологик бирликларни этимологик таҳлил этиш асосида фразеологияга оид фикр-мулоҳазалар билдирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар француз ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини келгусида ўрганишда лингвомаданий тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациядан олинган натижалар «Ўрганилаётган тил назарий аспектлари», «Замонавий лингвистика», «Лингвистик таҳлил методлари», «Матн лингвистикаси» фанларини ўқитишда, семинар ва махсус курслар ташкил қилишда назарий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари икки тилли фразеологик луғатлар тузишда, фразеологик бирликларнинг структурал-семантик хусусиятларининг ўзига хослигини илмий-назарий асосда очиб бериш, тил ўқитиш услуги ва фразеологиянинг долзарб муаммолари доирасидаги амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек тилларидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ишда аниқланган ономастик компонентли фразеологик бирликлар чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари (CEFR) асосида яратилган «Тил кўникмалари интеграцияси» дарслигида қўлланилган матнлар мазмунига сингдирилган (ЎзРОЎМТВнинг 2018 йил 14 июнда 531 - сон гувоҳномаси). Мазкур дарсликда француз ва ўзбек тилларида тавсия этилган матнларда ва машқларда қўлланилган фразеологизмлар ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва коммуникатив мулоқот жараёнида талабаларга чет тилини ўргатиш компетенциясини оширишда муҳим маълумотлар манбаси бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотнинг антропоним ҳамда топоним компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий ўзига хослиги хақидаги иккинчи ва учинчи боблари Франциянинг Тур шаҳрида ўтказилган халқаро тиллар фестивали доирасида хорижлик тингловчиларга илмий семинар ўтказиш учун муҳим маълумотлар манбаси бўлиб хизмат қилган («Ўзбекистон-Франция дўстлик жамияти»нинг 2018 йил 30 ноябрдаги № 52 – сон маълумотномаси). Натижада ономастик компонентли фразеологизмларга оид тўпланган материаллардан хорижлик тингловчиларга ўзбек тилини ўқитишда кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқотнинг иккинчи ва учинчи бобларидан антропоним ҳамда топоним компонентли фразеологик бирликларнинг таржимада ўзига хослиги ва фарқларини аниқлашда ЁА 1-06 2012-2013 «Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (ЎзРОЎМТВнинг 2018 йил 4 декабрдаги 89-03-4188 – сон гувоҳномаси). Мазкур илмий натижа антропонимлар ва топонимларнинг фразеологик бирлик таркибида миллий-маданий хусусиятга эга эканлигини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қилган.

Француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли фразеологик бирликларнинг миллий ва маданий хусусиятларини кўрсатиб берувчи материалларидан «Ўзбекистон» телеканалида тайёрланиб, эфирга узатилган «Тилга эътибор», «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувларида фойдаланилган. («Ўзбекистон телерадиоканали» 2018 йил 17 декабрдаги 02-13-2198 – сон маълумотномаси). Натижада антропоним ва топоним компонентли фразеологизмларга оид тўпланган маълумотлардан болаларга француз тилини ўргатишда кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро конференция, 5 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуи бўйича 12 та илмий иш ва 1 та дарслик чоп этилган. Шулардан, 5 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 2 та илмий мақола хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фразеологиянинг лингвомаданий хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, тўрт параграфдан ташкил топган. «Фразеологик концепциялар талқини», деб номланган параграфда жаҳон тилшунослигида фразеология қамрови хусусидаги олимларнинг илмий қарашлари, фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари, ФБларнинг семантикасини синхрон ва диахрон жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқ қилинган.

Жаҳон тилшунослигида фразеологияни кенг ва тор доирада тушуниш мавжуд. А.Э.Маматов айтганидек, фразеологияни *кенг* ва *тор* маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, қанотли сўзларми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт»¹⁰. Биз тадқиқотимизда ФБларни кенг ва тор маънода изоҳламасдан, балки кўчма маънога эга турғун ибораларни, идиома, мақол-маталлар, яъни провербиал фразеологизм (ПФ)ларни ҳам ФБлар таркибида ўрганамиз.

ФБларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлашда уларни этимологик тадқиқ этиш, диахроник жиҳатдан динамик ўзгаришларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. А.Г.Назарян фразеологияда синхрония ва диахронияни бир-бирига қарама-қарши қўйиш асоссиз деб ҳисоблайди¹¹, чунки фразеологик бирликнинг ўзига хос хусусиятини синхроник нуқтаи назардан ўргана туриб ҳам, биз ҳар доим унинг генетик келиб чиқиши эркин ёки нофразеологик бирикма сифатида уни ташкил этувчи элементларнинг барчаси тўлиқ мавҳумлашиши мумкин эмаслигига эътибор қаратамиз. Фразеологик бирликларни семасиологик тадқиқ этиш, албатта бу бирликларнинг келиб чиқишини ўрганишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган француз ва ўзбек тилларидаги антропоним ва топоним компонентли фразеологизмлар семантик маъносини уни ташкил этган компонентларининг шарҳисиз тушуниш қийин.

¹⁰ Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: «Фан», 1991. – Б.212.

¹¹ Назарян А.Г. История развития французской фразеологии. – М.: Высшая школа, 1987. – С.8.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «Оламнинг фразеологик манзараси» деб аталиб, унда олам манзараси, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг фразеологик манзараси каби тушунчаларга лингвистик изоҳ берилади. Тилшуносликда мавжуд олам миллий манзараси тадқиқига бағишланган ишларга суянган ҳолда тилда конкрет миллий тилнинг таъсири остида, инсон билими оламнинг ички ва ташқи ахборотлари натижасида «оламнинг фразеологик манзараси»ни шакллантиради, дея оламиз.

Бобнинг учинчи параграфи «Ономастик бирликлар ва фразеологизмларда миллийлик тушунчаси»ни ўрганишга бағишланади. Ономастик бирликлар¹² турлича таснифланади. Мазкур таснифга кирувчи онимларнинг кўпчилиги антропоним ва топонимлар таркибига киради ва уларнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Антропонимлар шахснинг жамиятга нисбатан муносабатини ифодаласа, топонимлар тарихий, географик ва ижтимоий шартланганлиги билан фарқ қилади. Тилшуносликда миллий характер тушунчасига турлича қарашлар мавжуд. Лингвомаданиятшуносликнинг бу соҳасини ўрганишда этнопсихолог Т.Г.Стефаненко қуйидаги тамойилларни эътиборга олиш зарур эканлигини таъкидлайди: «этнос характери –унинг намоёндаларининг алоҳида характерлари мажмуи эмас, балки типик характерларининг белгиси бўлиб, у кўп сонли индивидларда турли даражада ва турли бирикмаларда намоён бўлади»¹³. Бинобарин, энг аввало, миллий характерни ўрганиш учун шу халқ тарихини, ижтимоий тузилмасини ва маданиятини ўрганиш талаб этилади.

Тўртинчи параграф «Фразеологизмларда универсаллик ва миллийлик» деб номланади. А.Г.Назарян, А.В.Кунин, Ю.П.Солодублар фразеологиянинг универсал белгиларига турли тиллардаги фразеологизмлар семантик образлигининг яқинлигини асос қилиб кўрсатади. Масалан, француз тилида *Qui langue a, à Rome va*, ўзбек тилида муқобили *Сўраб сўраб Маккани топибди. Allez chez Malva* - (сўзма-сўз.: Малвага жўнамоқ, *ça va mal* сўздан сўз ўйини асосида ясалган), вафот этмоқ маъносига, ўзбек тилидаги муқобили *Мағрибга кетмоқ*. Универсал фразеологизмларнинг иккинчи турига бир хил структурага эга, байналминал ФБлар киради. Масалан, француз тилидаги *Menez un âne à la Mecque vous n'en ramènerez jamais qu'un âne* ПФнинг ўзбек тилида *эшак Маккага боргани билан ҳалол бўлмайди; ахмоқ ахмоқлигича қолади* тарзидаги эквиваленти мавжуд. Фразеологизмлар ўзининг ички шаклида ижтимоий-маданий ўзига хосликни, халқнинг яшаш шарт-шароитини ва унинг тарихий ривожланишининг ўзига хослигини акс эттиради Бундай ФБлар таркибидаги маданий компонент ўзи мансуб бўлган менталитетга хос бўлган реалиялардан иборат бўлади. Француз тилида Жан, Жак содда одамларнинг тимсоли саналган, масалан, *faire le Jacques* - ўзини аҳмоқликка солмоқ, қўйдек юввош бўлмоқ. Ўзбек тилида кўпинча Али муғомбир, Вали соддадил, юввош инсонларнинг образини умумлаштиради, масалан, *Айбни Али қилади, калтакни Вали ейди*, каби.

¹² Қаранг: антропоним, топоним, зооним, фитоним, теоним, поэтоним, мифоним, хрононим, астроним, космоним.

¹³ Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. – М.: Аспект Пресс, 2003. С.134.

Диссертациянинг иккинчи боби «Француз ва ўзбек тилларидаги антропоним компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларининг чоғиштирма таҳлили» деб номланган бўлиб, унга параграфдан иборат. Унинг биринчи параграфидан антропоним компонентли фразеологизмлар француз ва ўзбек тилларида алоҳида бўлимларда ўрганилди. Биринчи бўлим француз тилининг фразеологик бирликлари таркибидаги антропонимларнинг ўз қатлами ва ўзлашма қатламини ўрганишга бағишланади. Мазкур бирликлар француз тили фразеологик луғатларидан¹⁴ ялпи танлаш методидан фойдаланиб, йиғилган мисоллар асосида келиб чиқиш манбаларига кўра уч турга ажратилиб таҳлил этилди: 1) анъанавий исмлар билан боғлиқ ФБлар: Француз тилида Jean, Pierre, Martin, Paul, Jacques энг кўп тарқалган исмлар ҳисобланиб, уларнинг структураси коммуникатив ФБларга тенг. Масалан: *Jean de Paris* – (сўзма-сўз.: Парижлик Жан) қиёфасини ўзгартирган, бошқача кийим кийган шахзода; *Prêtre Martin* – (сўзма-сўз.: руҳоний Мартин) бир вақтнинг ўзида ҳам сўрайдиган, ҳам жавоб бера оладиган шахс ҳақида; 2) халқ афсоналари, урф-одатлари, тарихда мавжуд шахслар ва бадиий асар персонажлари номи билан боғлиқ антропоним компонентли ФБлар. Антропоним компонентли ФБлар халқ афсоналари урф-одатлари таъсирида вужудга келади: *Âne de Buridan* – (сўзма-сўз.: Буридан эшаги.) ўзбек тилида *аросатда қолмоқ* муқобилига тўғри келади. Ўрта аср файласуфи Буриданнинг мулоҳазасига кўра эшакка бир хил масофада тоғорада арпа ва иккинчи томонга бир боғ беда қўйилганида, қайси биридан ейишни ҳал қила олмай очликдан ўлади. Француз тилидаги антропоним компонентли фразеологизмлар ичида тарихда мавжуд шахслар билан боғлиқ ФБлар салмоқли ўринга эга. Масалан, ўрта асрларда Кастилияга ҳукмронлик қилган қиролича Изабелнинг номи билан боғлиқ афсона асосида *Couleur Isabelle (isabelle)* – (Изабел ранги) оқ-сарик рангни ифодаловчи ФБ пайдо бўлган. Бу ранг кўпроқ отнинг тусига тўғри келади; 3) бадиий асар персонажлари номи билан боғлиқ антропоним компонентли ФБлар. Масалан: *Marquis de Carabas* – (сўзма-сўз.: Маркиз де Карабас) ўзида йўқ бойлиги билан мақтанувчи шахс ҳақида, ўзбек тилидаги муқобили усти ялтироқ ичи қалтироқ ФБга тўғри келади. Карабас – Шарль Перронинг *Этик кийган мушук* эртаги персонажи, ҳад-ҳисобсиз бойлик соҳиби; *fin comme Gribouille qui se met dans l'eau de peur de la pluie* – (сўзма-сўз.: ёмғирдан ҳўл бўлишдан қўрқиб, ўзини сувга отган Грибуй сингари ўта содда, гўл) ғирт тўнка, ахмоқ, лақма, бефаҳм одам. Грибуй эртақларда соддадил одамларнинг тимсоли бўлиб, *gribouiller* феълининг маъносидан сўз ўйини асосида қурилган.

Иккинчи гуруҳга кирувчи антропоним компонентли ўзлашма ФБлар ҳам ўз навбатида диний ва антик мифологияга оид фразеологизмларга бўлинади. Француз тилидаги диний ўзлашмалар уч типга бўлиб ўрганилди: 1) одам Ато номи билан боғлиқ ФБлар: *ne connaître qn ni d'Adam ni d'Eve* – (сўзлаш.) (сўзма - сўз.: на Одам Атони на Момо Ҳавони танимаслик) бировни тан олмаслик; *chute d'Adam* – (сўзма-сўз.: Одам Атонинг йўлдан озиши) ножўя иш қилиш,

¹⁴ Новый большой французско-русский фразеологический словарь. Более 50 000 выражений. Под ред. В.Г.Гака-М.: Русский язык медиа, 2005. – 1112 с; Le petit Larousse illustré.- P.: Larousse 2010. – 1987 p; Rat M. Dictionnaire des expressions et locution traditionnelles.- P.: Larousse – Bordas, 1999. – 448 p.

каби фразеологизмлар байналминал характер касб этади; 2) Исо Пайғамбар номи билан боғлиқ ФБлар ҳам диний ўзлашмалар орасида салмоқли ўринга эга. Масалан, *servant du Christ (de Jésus Christe)* – роҳиба; *adorer comme un Jésus* – Худодек қабул қилмоқ, каби маъноларни берувчи фразеологизмларни мисол келтириш мумкин; 3) черков хизматчилари ва бошқа Христиан дини ҳикоятлари таркибидаги персонажлари номи билан боғлиқ ФБлар, масалан, *suer comme une Madeleine* – (сўзма-сўз.: Магдалена сингари жон койитиб терламоқ) терга ботмоқ маъносида. Диний ҳикоятларга кўра Магдалена тавба-тазару қилаётган гуноҳкор банда; *Coiffer saint Catherine (Sainte-Catherine)* – (сўзма-сўз.: муқаддас Катринанинг сочини тарамоқ) қари қиз бўлиб қолмоқ, каби.

Антик мифология билан боғлиқ антропоним компонентли ФБларнинг этимологик таҳлили персонажлар номи билан боғлиқ, масалан, *fil d'Ariane (fil d'Aria(d)ne)* – (сўзма-сўз.: Ариаднанинг иплари). Грек шоҳи Миноснинг қизи Ариадна махлуқ Минотаврни ўлдирган Тесейга лабиринтдан чиқиш учун бир ўрам ип беради. Мазкур ФБ мушкул оғир аҳволдан қутулиш имкониятини бериш маъносида қўлланилади.

1-жадвал

Француз тилидаги антропоним компонентли ФБларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра миқдорий таҳлили

т/р					
1	Ўз қатламга мансуб ФБлар	Жами:	110	57%	
		1) анъанавий исмлар билан боғлиқ ФБлар	22	11%	
		2) миллат фольклори, халқ тарихи ва реал тарихий шахслар билан боғлиқ ФБлар	54	28%	
		3) бадий асар персонажлари билан боғлиқ ФБлар	34	18%	
2	Ўзлашма қатламга мансуб ФБлар	Жами:	82	43%	
		Диний тушунчалар билан боғлиқ ФБлар	45	23%	
		Антик мифология билан боғлиқ ФБлар	37	20%	
		Жами:	192	100%	

Иккинчи бўлимда ўзбек тилидаги антропоним компонентли ФБларни таҳлил этишда Ҳ.Бердиёров, Ш.Раҳматуллаев, Ш.Шомақсудов¹⁵ларнинг фразеологик ва паремиеологик луғатларидан фойдаланилди.

Биринчи гуруҳ халқ оғзаки ижоди, тарихи ва адабиёти билан боғлиқ ФБлар бўлиб, улар уч турга бўлиб ўрганилди: а) анъанавий исмлар билан боғлиқ ФБлар: ўзбек тилида Али ва Вали, Эшмат, Ҳасан энг кўп тарқалган исмлардан саналади. Масалан; *Али Хўжа, Хўжа Али* (варианти: икки ўн беш бир ўттиз); *Ҳар ким ўз айбини билса, Вали бўлади* (варианти: ўз айбини билган мард); *Эшматнинг ўчини Тошматдан олиш*, каби; б) халқ ривоятлари ва латифалари билан боғлиқ ФБлар: *Бердисини айтгунча, белимни букма*, яъни бир хулоса чиқаришдан олдин гапни охиригача эшитишга ундаш маъносида ишлатилади. Мазкур ФБнинг келиб чиқиши Худойберди исмли шахс ўз номини тўлиқ айтишга улгурмасдан ўзини Худога тенглаштиргани учун дўппослангани

¹⁵ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиеологик луғати. – Т.: «Ўқитувчи», 1984. – 320 б; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: «Ўқитувчи», 1978. – 407 б. Шомақсудов Ш., Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. – Т.: «Ўзбекистон миллий давлат энциклопедияси», 2001. – 448 б.

ҳақида ҳикоят билан боғлиқ. Шунингдек, халқ дostonларидаги персонаж образи номидан ҳосил бўлган антропоним компонентли фразеологик бирликлар маъно кўчишига асосланган, масалан, *Оти бор – Алпомиш* (оти бор Алпомишдек тенгсиз куч-қудратга эга маъносида); *Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак*, каби; в) Тарихда мавжуд шахслар номи билан боғлиқ ФБлар, масалан: *Бўжи келди*, *Бўжи келди*, *Чингиз билан Жўжи келди*. Мазкур ПФ Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Ўрта Осиёга босқини натижасида пайдо бўлган.

Ўзбек тилида антропонимлар фразеологизациялашуви жараёнининг иккинчи гуруҳини диний тушунчалар билан боғлиқ антропоним компонентли ФБлар ташкил этади. Мазкур ФБлар уч гуруҳга ажратилди: а) Оллоҳ номи билан келувчи ФБлар, масалан, *Яхшилик қил*, *дарёга сол*, *балиқ билар*, *балиқ билмаса Холиқ билар* (Холиқ-Оллоҳнинг номларидан бири); *Даъвогаринг подшоҳ бўлса*, *арзингни Оллоҳ эшитсин*, каби; б) Пайғамбарлар номи билан боғлиқ ФБлар, масалан, *Сулаймон ўлди*, *девлар қутилди* фразеологизмининг мазмуни ишда ёки оилада қаттиққўллик билан тинчлик ҳамда тартибни сақлаб турган инсоннинг бирор ёққа кетиши қўл остидагиларга ўзи истаган ишини қилиши учун имкон туғдиришини англатади; в) Қуръони Карим ҳикоятлари таркибидаги персонажлар билан боғлиқ ФБлар. Мазкур гуруҳ Авлиё, Шайтон, Азроил номлари ва диний тушунчалар билан боғлиқ. Масалан: *Авлиёга тош тегдими?* (эрка, тантиқ инсонларга айтилади); *Азроилнинг бир турқи – бўрида* (Азроил жон олувчи фаришта, ёвуз бўрига қиёсланган), каби.

2-жадвал

Ўзбек тилидаги антропоним компонентли фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра микдорий таҳлили

т/р				
1.	Ўз қатламга мансуб ФБлар	а) анъанавий исмлар билан боғлиқ ФБлар	12	11%
		б) халқ ҳикоятлари ва латифалари билан боғлиқ ФБлар	50	45%
		в) тарихий шахслар номи билан боғлиқ ФБлар	10	9%
2.	Ўзлашма қатламга мансуб ФБлар	Диний тушунчалар билан боғлиқ ФБлар	39	35%
Жами:			111	100%

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «Француз ва ўзбек тилларидаги антропоним компонентли фразеологик бирликларнинг мотивланганлиги» деб номланади. ФБларнинг мотивланишида фразеологизмнинг ички шакли ва образлилиги муҳим аҳамиятга эга. Антропонимлар фразеологизмлар таркибида мотивланганлигига кўра француз ва ўзбек тилларида икки мезонга ажратилди:

1) антропоним семантик бутунлигини ва индивидуаллигини сақлайди. Унда урта ҳолат кузатилди: а) семантик ўзига хослик антропонимнинг индивидуаллашувини англатади, масалан француз тилида *un moutons de Panurge* (сўзма-сўз.: Панургнинг қўйлари тўдаси) фразеологизми ўзбек тилида «кимгадир кўр-кўрона эргашмоқ» эквивалентига тўғри келади. Ф.Раблининг Гаргантюа ва Пантагрюэль романи қахрамони Панург кема ичида Дендено билан баҳслашиб, ундан йўл бошловчи битта қўйни сотиб олади ва уни денгизга ташлайди, Денденонинг қолган барча қўйлари йўлбошчи қўй кетидан

ўзини сувга отиб, денгизга ғарқ бўлади. Ўзбек тилидаги фразеологик бирлиги таркибидаги атоқли от жонлилик ва индивидуаллик маъносини сақлайди; б) иккинчи ҳолатда ФБ таркибида семантик қисқаришга учраган антропоним жонлилик семасини сақлаб, индивидуаллик маъносини йўқотади, уларнинг кўпчилиги жинс тушунчасига алоқаси бўлмаган ҳолда инсон тушунчасини сақлайди, масалан: француз тилида *Faire son petit Saint-Jean* - (сўзма-сўз.: ўзини кичкина Авлиё Жан сингари тутмоқ) ўзбек тилида *ўзини мусичаи беозор қилиб кўрсатмоқ* эквивалентига тўғри келади. Ўзбек тилида мазкур ҳолатда тўплаган молу дунёсини орқа олдига қарамай сочувчи инсонларга нисбатан *борида Ҳотам, йўғида мотам* сингари фразеологизмларни мисол келтириш мумкин; в) учинчи ҳолатда ФБ компонентлари ичида семантик қисқаришга учраган антропоним компоненти ичида қисман маъно кўчиши рўй беради ва у жонлилик ва индивидуаллик маъносини йўқотади. Француз тилида *niches de Saint-Etienne* - (сўзма-сўз.: руҳоний Этьен буханкаси. Христиан афсонасига кўра руҳоний Этьен тошбўрон қилинган) юракдаги ғашлик маъносидаги ФБ ўзбек тилида *дили хуфтон бўлмоқ* фразеологизмига тўғри келади. Ўзбек тилида *бояғи-бояғи, Ҳасан буванинг таёғи, яъни эски тос, эски ҳаммом* маъносидаги ПФ эса жонлилик ва индивидуаллик маъносини йўқотади;

2) фразеологик бирлик ҳосил қилган антропонимларнинг маъносини фақат этимологик таҳлил орқали тушуниш мумкин. Француз тилида: *vache à Colas* - (сўзма-сўз.: Коланинг сигири) протестант, яъни *изза тортмоқ* маъносини англатади. Мазкур ФБнинг этимологияси: католик сектасига мансуб узумчилик билан шуғулланувчи Кола Панъенинг сигири адашиб протестантлар черковига бориб қолади ва маҳаллий протестантлар сигирни сўйиб ўзаро бўлиб оладилар, натижада суд католикларга протестантлардан сигирнинг ҳақини ундириб беради. Ўзбек тилида *Қизил, Хизрни айнатур* фразеологизмида *қизил* - олтин, тилла танга маъносини ифодалайди; *Жонини Жабборга бериб ишламоқ* фразеологизми фонетик услубда товуш оҳангдошлиги асосида ҳосил бўлган, бор кучини сарфламоқ маъносини ифодалайди.

Бобнинг учинчи параграфи «Француз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар таркибидаги доминант антропонимларнинг миллий-маданий хусусиятларининг чоғиштирма таҳлили» деб номлаган бўлиб, тилнинг миллий характериға боғлиқ инсон идеалининг шаклланишини ўрганишга бағишланган. Француз ва ўзбек тилларининг антропоним компонентли ФБларда тасвирланган инсон идеалининг шаклланиши учта асосий гуруҳга: 1) инсоннинг динга бўлган муносабати; 2) ижтимоий-маиший муносабатлари; 3) инсоннинг жамиятга муносабати масалаларига ажратиб ўрганилди. Француз ва ўзбек тилларидаги антропоним компонентли фразеологик бирликларнинг универсал ва миллий ўзига хос белгиларининг чоғиштирма тадқиқи оламнинг фразеологик манзарасида инсонга хос бўлган ижобий ва салбий қиёфани намоён этди. Француз тилидаги антропоним компонентли фразеологик бирликларда инсон қиёфасининг шаклланиши диний тушунчалар, пулларнинг шахс номи билан аталиши, ФБларнинг француз қироли ва вазирларининг номи билан боғлиқлиги, узумчиликнинг ривожланиши натижасида майхўрликка муносабатнинг ифодаланиши орқали намоён бўлади. Ўзбек тилида антропоним компонентли фразеологизмларда ифодаланган инсон қиёфаси диний тушунчалар, жамоага

мойиллик, рақобат, мақтанчоқликнинг салбий жиҳатлари, қайғудошлик, оила, қариндош уруғчиликнинг ижобий белгиларини акс эттиради.

Диссертациянинг учинчи боби «Француз ва ўзбек тилларидаги топоним компонентли фразеологик бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг чоғиштирма таҳлили» деб номланиб, топоним компонентли фразеологизмларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлашга, уларнинг коннотативлик даражасини ва лексик-стилистик хусусиятларини ўрганишга бағишланади. Мазкур бобнинг биринчи параграфида «Француз ва ўзбек тилларидаги топоним компонентли фразеологик бирликларнинг лисоний-маданий таҳлили» ўрганилади. Топоним компонентли фразеологизмлар халқ ҳаётининг моддий, маданий, ижтимоий-иқтисодий қатламларидан олинган бўлиб, улар миллатнинг тарихи, кундалик турмуши ва маданияти, яшаш тарзини акс эттиради. Мазкур фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари тарихий, географик ҳамда ижтимоий белгиларига кўра француз ва ўзбек тилларида ўз қатлам ва ўзлашма қатламга бўлиб ўрганилди. Ўз қатламга мансуб ФБлар қуйидаги 3 гуруҳга бўлинди: 1) ижтимоий-тарихий омилларга асосланган фразеологизмлар, француз тилида: *aller à Canossa* – (сўзма-сўз.: Каноссага бормоқ) таҳқирланмоқ, камситилмоқ; мағлубиятни тан олмақ маъносида. Иборанинг келиб чиқиши Германия императорининг Рим папасига бўйин эгиши билан боғлиқ ҳикоятга тегишли; ўзбек тилида *гап қувган* – *балоба йўлиқар*, *йўл қувган* – *Ғазнага* фразеологизмини келтириш мумкин. Қадимда Ғазна Ўрта Осиёнинг муҳим маданий марказларидан бири бўлган; 2) келиб чиқиши халқ ижоди билан боғлиқ фразеологизмлар француз ва ўзбек тилларида икки гуруҳга ажратилди: а) халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ фразеологик бирликлар: Масалан: *au diable Vauvert* – (сўзма-сўз.: Вовер шайтони) *дунёнинг нариги бурчагида*, *борса келмас жойга (юбормоқ)*. Унинг пайдо бўлиши Париж яқинидаги Vauvert қасрида жин-ажиналар ўрнашиб олганлиги ҳақидаги афсона билан боғлиқ. Ўзбек тилида *онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ* фразеологизми дўқ қилишни, кўрқитишни ифодалайди¹⁶; б) топоним компонентли фразеологик бирликлар бадий асар персонажлари ёки цитаталар билан боғлиқ. Масалан, *paysan du Danube* – (сўзма-сўз.: Дунай деҳқони) қўпол, дағал, тарбия кўрмаган, ўйламасдан гапирадиган одам. Ушбу бирикма Лафонтеннинг масалидан олинган; Ўзбек тилида бадий асарлар ёхуд уларнинг персонажлари номидан ясалган топоним компонентли ФБлар халқнинг яшаш тарзини акс эттиради. Масалан, *ёнида бир пули йўқ*, *Ғирвонга ҳоким*. Мазкур ФБ Ғирвонликларнинг соддадилликлари халқ орасида латифага айланганлиги натижасида юзага келган ва у А.Қодирийнинг «Ғирвонлик Маллавой» ҳикоясида қўлланилган¹⁷;

3) халқнинг кундалик ҳаёти, урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ фразеологизмлар: Масалан, француз тилида *cousin à la mode de Bretagne (de Picardie)* – (сўзма-сўз.: Бретанча қариндош) икки маънода ишлатилади: амакқивачча, яқин қариндош; бир қозонга қўшса қони қайнамас. Франциянинг Бретань провинциясининг урф-одатларига кўра амаки, тоға, холанинг болалари

¹⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. Б.192.

¹⁷ Шомақсудов Ш., Ш.Шораҳмедов. Маънолар махзани. – Т.: «Ўзбекистон миллий давлат энциклопедияси», 2001.- Б. 66.

Энг узоқ қариндош ҳисобланган. Ўзбек тилида халқнинг урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ кундалик турмуш воқеаларини акс эттирувчи топоним компонентли ПФлар кўпроқ учрайди, масалан, *бева хотинга Бухородан ит ҳуради*, каби.

3-жадвал

Француз ва ўзбек тилларидаги миллий-маданий топоним компонентли ФБларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра миқдорий таҳлили

№	Топоним компонентли фразеологик бирликлар		Француз тили		Ўзбек тили		
Жами:			104	100%	92	100%	
1	Ўз қатлам ва ёт қатламга мансуб ФБлар	Узоқ тарихий фактлар натижасида ҳосил бўлган ФБ	18	17%	12	13%	
		Халқ ижоди билан боғлиқ ФБ	Халқ оғзаки ижодига мансуб	22	21%	26	28%
			бадий асар персонажлари билан боғлиқ	12	12%	4	4%
		Халқнинг кундалик ҳаёти, урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ	24	23%	30	33%	
2	Ўзлашма ФБ	Ўзлашма фразеологизмлар	28	27%	20	22%	

